# E-OBUNA ягона электрон платформасидан фойдаланиш йўриқномаси

E-OBUNA ягона электрон платформасидан фойдаланиш учун исталган браузер орқали e-obuna.uz га кирилади ва асосий ойна чиқади.




1-расм. Асосий ойна саҳифаси

Асосий ойнада бирқанча бўлинма ва тугмалар мавжуд бўлиб уларни қўйида қайси вазифаларни бажариши ёритиб ўтилган:

1. Бош саҳифа – мазкур ойнада биринчи кирилганда эхтимолий газета/журналлар, кэшбэкли газета/журналлар ва янгиликлар чиқиб туради.
2. Каталог – саҳифасида барча журнал ва газеталарни умумий рўйҳатини кўриш имконияти мавжуд.
3. Янгиликлар – юртимиздаги ва почта/газета соҳасига тегишли янгиликлар ёритиб борилади.
4. Платформа ҳақида – Е-Обуна электрон платформасининг мақсадлари, вазифалари ва ишлаб чиқишига бўладиган асос ҳақида маълумотлар ёритилган.
5. Манзил – мазкур бандда обуначи хозирги истиқомат қилаётган жойини танлаши керак бўлади ва газета ва журналларнинг нархи белгиланган манзил бўйича юборилади.
6. Тилни танлан – обуначи ўзига қулай тилни танлаш имкони мавжуд бунда 3 хил тил Ўзбек, Рус ва Қорақалпоқ тиллари мавжуд бўлади.
7. Рўйҳатдан ўтиш – обуна бўлишни амалга ошириш учун тизимда рўйҳатдан ўтган бўлиши лозим бўлади ва шу тугмани босган ҳолда рўйҳатдан ўтиш имкони мавжуд.
8. Кириш қисми - электрон платформада рўйҳатдан ўтган обуначи шу тугмани босиб логин паролини киритган ҳолда кириши ва обуна бўлиш имкони мавжуд.
9. Обуна бўлиш тугмаси - газета/журналга обуна имконини яратади.
10. Журналлар - электрон платформада мавжуд бўлган журналларни кўриш мумкин.
11. Газеталар - электрон платформада мавжуд бўлган газеталарни кўриш мумкин.
12. 10% Cashback - мазкур белгига эга бўлаган газета ёки журналга обуна бўлганда обуначига газетанинг умумий суммасидан 10 фоийзи ойма ой қайтарилиб борилади ва буни шахсий кабинетга кирган ҳолда Cashback бандига ўтиб карта рақамини киритиб ечиб олиш имкони бўлади.
13. Саватча – бу саватчага сотиб олишдан олдин саватчага қўшиб олиш керак ва барча танловларни қилиб кейин обунани расмийлаштириш имкони бўлади.
14. Ҳужжатлар – Мазкур бандда электрон платформага тегишли бўлган ҳужжатлар билан танишиш имкони бўлади.
15. Саҳифалар – мазкур банд электрон платформани қулайлигини янада ошириш мақсадида юқорида келтирилган 2,3,4-бандларини ўз ичига олади ва футер қисмида ҳам улардан фойдаланиш имкони яратилган.

## Рўйҳатдан ўтиш тартиби

Электрон платформадан фойдаланиш ва обуна бўлиш учун биринчи навбатда рўйҳатдан ўтиш керак бўлади, рўйҳатдан ўтиш тартиби қуйида кўрсатиб ўтилади.

Биринчи навбатда Рўйҳатдан ўтиш тугмаси босилади.




2- расм. Рўйҳатдан ўтиш жараёнига ўтиш учун тугмаси

Тугма босилганда қўйидаги ойна чиқади, рўйҳатдан ўтишда икки хил тартибда бўлиши мумкин биринчиси One ID орқали бўлса иккинчиси одатий тартибда хамма шахсий маълумотларни киритган ҳолда амалга оширилади.




3-расм. Рўйҳатни тўлдириш саҳифаси

Барча майдонларни тўлдириб оммавий оферта билан танишиб чиқгач рўйҳатдан ўтиш тугмаси босилади ва кўрсатилган телефон рақамига тасдиқлаш коди келади ҳамда келган кодни тизимда қайд этилади ва рўйҳатдан ўтиш якунланади.

## Обуна бўлиш тартиби




4-расм. Католог бўйича керакли газета/журнални танлаш

Керакли газета/журнал танланганидан сўнг устига босилади ва газета маълумотлари чиқиб келади.




5-расм. Газета/журнал ҳақидаги маълумотлар

Барча маълумотлар билан танишиб чиқгач журналнинг тилини ва неча ойга обуна бўлишни белгиланади ва Саватчага қўшиш тугмасини босади.




6-расм. Саватча банди

Саватчада турган газета/журналларни Расмийлаштиришга ўтиш тугмасини босиб фаоллаштирса бўлади.




Барча бандларни тўлдиргач расмийлаштириш тугмаси босилади ва карта рақамини киритиш ойнасига ўтилади




7-расм. Карта рақамини киритиш банди

Карта рақамлани киритгач жўнатиш тугмаси босилади ва керакли маблағ ечиб олгач бу хақида хабар келади.




Обуна бўлинганлиги ва кешбэк маълумотлари бўйича Шахшсий кабинетга ўтиб Электрон ҳамёнга ўтган ҳолда кўриш мумкин бўлади

Расмийлаштирилган обуна бўйича буюртмалар хар хафтада/ойда/чоракда/ярим йилда Обуначига яқин бўлган почта боғламаси ёки белгиланган манзилга етказиб борилади.